



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин.

Давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида куйидагилар белгилансин:

суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари асосий амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этиш, муносабатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш;

ҳодимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илгор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олиқ малака комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигининг судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тақлифи маъқуллансин.

» (2).

24 октябр — Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуаси очилган кун

Буюк алломага юксак эҳтиром

Фарғона шахрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуаси очилганига 18 йил тўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз, дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз номи, улар қолдирган бебаҳо мерос қайта тикланди. Муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абдуллоҳиқ Фихрувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуг алломаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Тарихий илдишларимизни ўрганиш, ўзлигимизни англаш борасидаги бундай эзгу ишлар барчамизда ўтмишимизга юксак эҳтиром, эртанги кунга қатъий ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Бутун дунё қомусий олим Аҳмад Фарғонийнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди, уни воқга етказган заманига алоҳида эҳтиром билан қарайди. Биринчи Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига «Аҳмад Фарғоний инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кулли намонаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бўлиб сифатида баъшарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди. Унинг бебаҳо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалар орқали яхши маълум», деб таъкидланади.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу буюк аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аллома туғилиб ўсган Кува шаҳри ва вилоят марказида қомусий олимга ҳайкал ўрнатилди.

Фарғона шахридаги буюк аллома номи билан юртидайдиган мажмуа нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган сайёҳлару зиёратчилар учун ҳам табарқур масканлардан бирига айланган.

— Мажмуа кейинги йил-

ларда янада чирой очди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона шахар бўлими раҳбари Азизбек Сойибназаров. — Анвойи гуллар, турли манзарали дарахтлар бу ерга келган ҳар қандай кишининг баҳри дилини очиб юборди. Улуғ олимнинг бой илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, уни кенг омма, айниқса, ёш авлодга етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, жаҳон цивилизациясида тугган ўрни ва аҳамиятига қаратилган турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Аллома номи билан аталувчи вилоят ахборот-кутубхона марказида анъанавий равишда илмий анжуманлар, кўргазмалар ўтказилаётир. Фарғона давлат университети ва бошқа олиқ ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, коллежларда Аҳмад Фарғоний мероси кенг ўрганилмоқда.

Буюк астроном, математик ва географ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний 797-865 йилларда яшаб ижод қилган. Европада Ал-Фраганус номи билан шухрат қозонган. Олим астрономия, математика ва география фанларига оид кўплаб илмий асарлар ёзиб қолдирган. У Дамашқда расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва ўрнини аниқлаш, янгича энг (астрономик жадвал) яратиш ишларига раҳбарлик қилган ҳамда 832-833 йилларда Сурия шимолидаги Синжор даштида Тадмур ва ар-Раққа ораллигида ер мери-

диани бир даражасининг узунлигини аниқлашда қатнашган. Фарғоний «Миқёси Нил», яъни сув сатҳини ўлчайдиган асбоб яратган.

Бизнинг давримизгача Аҳмад Фарғонийнинг сақизта асари етиб келган, улар орасида «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» дунё олимлари томонидан ҳозир ҳам кенг ўрганилмоқда. Олимнинг «Астрономия асослари» асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилиниб, кейинчалик Италия, Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби кўплаб мамлакатларда қайта-қайта чоп этилгани унинг аҳамиятидан далолат беради.

Алломанинг Ернинг шарсимон экани борасидаги қарашларини орадан 800 йил ўтиб исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб «Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилиги тўла ишонч ҳосил қилдим», деб ёзган. Ун олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига бо-бокалонимиз номи берилган.

Мисрда, Нил дарёсининг Рода оролида 2007 йили Аҳмад Фарғонийга ҳайкал ўрнатилгани барчамизга гурур-ифтихор бағишлади. Буларнинг барчаси дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга бўлган юксак эҳтирмининг амалий ифодасидир.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

24 октябр — БМТ ташкил топган кун

Ўзбекистон — БМТ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 17-моддасидан.

борли, бутун дунё учун кадрли улуг давлат арбоби эди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлиқни таъминлабгина қолмай, бошқа давлатларни ҳам шунга ундар эди. Ҳар доим хавф-хатарларни аввалдан сезиб, уларнинг олдини олиш йўлларини кўрсатиб беради, тинчлик ва барқарорлик учун жон куйдирарди. Минтақавий ва халқаро масалаларда БМТ ҳужжатларидаги ҳуқуқий метёрларга риоя қилиш, турли зиддиятларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш зарурлигини таъкидлар эди.

Бу — дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган БМТнинг асосий фаолиятига ўзига хос таянч ва қувват бўлди. Буги юқорида қайд этилган Бош Ассамблея йиғилишида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳам алоҳида таъкидлади. «Ўзбекистон раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислам Каримов ташаббуси билан Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди», деди у.

» (3).

Сайлов — 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик мавзусига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.



Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари муҳокама қилинди

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар, Адлия вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонунга мувофиқ, сайловга доир қонун ҳужжатлари ҳам такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини сақизта моддadan иборат «Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган VI боб билан тўлдирилди.

Сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилашни сайлов эркинлиги принципининг тўлиқроқ амалга оширилиши, сайлов тизимини янада демократлаштирилиши, сайловнинг очиқ ҳамда ошкоралиги таъминлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, ишончли вакил ҳамда кузатувчининг ҳуқуқларини, сайловдаги ташвиқоти шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод ёхуд сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этиш ҳам маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келади.

Сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритишни расмийлаштириш юзасидан тавсиялар тасдиқланди.

Мазкур тавсияларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, баённомани Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари тузишлари мумкин. Баённома тузиш учун сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакиллари аризалари, участка сайлов комиссияларининг хабарлари, фуқароларнинг аризалари, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат ташкилоти ва мансабдор шахсларнинг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари асос бўлади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

БУГУННИНГ НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

№(1).

3. Белгилансинки, 2017 йилнинг 1 апрелидан:

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилади;

жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилади;

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб кўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади;

судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаи жараёнида тўлдирish механизмининг жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўйишга тергов юртишга қайтариш институти бекор қилинади;

фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади;

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде қўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибиде қўриб чиқиш бўйича бир-бирини такорловчи ваколатлари бекор қилинади;

адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилади;

ҳўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилади.

4. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги

ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 2-иловага мувофиқ тартибда ташкил этилсин.

Комиссия (И.Б.Абдуллаев): вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институти вакилларини жалб этган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур танқидий таҳлил қилиш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа-

лари ишлаб чиқишишни таъминласин;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида, шу жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли тайёрлигини ва ўз вақтида белгиланган тартибда киритилиши, шунингдек бошқа тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йил 1 июлга қадар:

суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланган-

ликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш; томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтириш;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш; жиноят ишини қўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш; фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юртишининг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек одил судловга эришининг илгор механизмларини кенгроқ жорий этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин ва киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, кўйидаги урта асосий устувор йўналишларни белгилаб берди:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари этиб:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари аниқлашга амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таъвоуз қилиш ҳолатлари юзасидан барча зарур чораларни кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартибини бузиш ва сансалорликка йўл қўймаслик;

тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очкиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш; ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунийликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илгор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

идоравий назоратни кучайтириш, хо-

димлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларини ишга қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, судьялик лавозимига биринчи марта беш йил муддатга ва кейин ун йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Киритилаётган бу ўзгаришлар ҳамкаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади.

Шу билан бирга, Фармон билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инobatга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, **қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб**, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда.

Яъни жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илгор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида:

жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати **72 соатдан 48 соатга**;

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари **1 йилдан 7 ойга** қисқартирилмоқда.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асосиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилинишни, иккинчи томондан, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди.

«**Жабас корпус**» институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб кўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда.

Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қандай эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилмоқда.

Судда иш юртиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича яқини қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида **суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлиги** алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳизмат қилади.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўриб чиқишининг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида Фармонда **вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибиде қайта кўриш бўйича бир-бирини такорловчи инстанцияларни тугатилиб**, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибиде қўришга оид бир-бирини такорловчи ваколатлари бекор қилинмоқда.

Ортиқча ва бир-бирини такорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқишининг олдини олади, суд қарорларининг узил-кесилиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширади.

Шунингдек Фармонда вилоят ҳўжалик судларининг қарорларини ўзлари томонидан қайта кўриш ваколатини чеклаш мақсадида ушбу судлар тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Фармоннинг суд ҳокимияти мустақиллиги асосларини мустаҳкамловчи алоҳида аҳамияти томони **адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилаётганидир**.

Ушбу чора судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратди.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга 2017 йил 1 июлга қадар илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда кўйидаги масалалар бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш топширилди:

суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

Ўзбек халқининг эъзули ва раҳмдиллик каби кўп асрлик анъаналарига мос бўлган ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш. Бу норма қонунни четлаб ўтган, содир этган қилмишдан пушаймон бўлган ва етказилган зиённи қоплаган фуқароларни жавобгарликдан озод қилиш имконини беради;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш;

жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иш қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш; электрон тартибда суд ва ижро иш юртишининг замонавий шакл ва усулларини, одил судловга эришининг илгор механизмларини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек «Электрон ҳуқуқ тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш доирасида республикани ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очкиклиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга ҳизмат қилади.

Бундан ташқари, қонунийликни таъминлашда ҳамда мамлакатимизда ислохотларни самарали рўёбга чқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи **Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди**.

Фармонини ижро этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан «Жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Медиация тўғрисида»ги, «Маъмурий судлов ишларини юртиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўзбекистон — БМТ: ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

№(1).

Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш, Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва курорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва савий-ҳаракатлар бутун минтақа манфаатларига хизмат қилди.

Биринчи Президентимиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоёсини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу гоёнинг амалдаги натижаси бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 март кунини аъзо бўлган. Бугун мамлакатимизда унинг қатор тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гибҳанд моддалар ва жинси-аяқчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ва бошқа тузилмаларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик. Мазкур ташкилот юртимиздаги тарихий обидалар,

қадимий шаҳарлар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига катта эътибор билан қарайди. Ҳазорча ҳамкорликда ҳар икки йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарларидаги кўплаб обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. 2014 йил май ойида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилган.

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли касалликлар профилактикасига кўмаклашиш каби ишларга ҳисса қўшиб келмоқда. БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни эмлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти — ЮНВТО билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Самарқандда ЮНВТОнинг Буюк ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Ҳазорча ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда. 2014 йил октябр ойида Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ихроия кенга-

шининг 99-сессияси туризм индустрияси ривожига муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАОга 2001 йилда аъзо бўлган. 2014 йил 6 июнда Тошкентда мазкур ташкилот ваколатхонаси очилган. Мамлакатимизда ФАО билан ҳамкорликда сувни тежаш ва сув ресурсларини бошқариш бўйича мутахассислар тайёрланиб, замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ерга ишлов бериш, селекция ва уруғчилик, чўлланшиш ва ер емирилишига қарши курашишнинг илғор услублари ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бунинг натижасида галлачилик, пахтачилик, чорвачилик, богдорчилик ва бошқа соҳаларда маҳсулот ҳажми ва сифати ошмоқда.

Мамлакатимизда Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чоратадбирлар дастури» БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинган. 2014 йил октябр ойида Ўрганч шаҳрида бўлиб ўтган «Орол денгизи минтақасидаги экологик оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кўлаб-қувватлангани ҳам Ўзбекистон ва БМТнинг интилушлари муштарак, савий-ҳаракатлари ҳамоҳанг эканидан далolat беради.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2010 йил апрел ойида Бирлашган Миллатлар



Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжат дунёдаги икки йиллик халқаро тузилманинг алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2015 йил июн ойида мамлакатимизга яна бир бор ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонуни устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида қайд этди. Бу муваф-

фақиятларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилган, инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон ҳар қандай вазиятда ҳам тинчлик, барча муаммоларни тинч ва сиёсий муозакарлар йўли билан ҳал этиш тарафдори, ҳамкорлик ташаббускоридир. Бундай эзгу сиёсат изчил давом эттирилмоқда, умумий тараққиётга хизмат қилмоқда.

А.САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Бунёдкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 5 октябр кунин Самарқанд вилоятига ташриф буюришда Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Аҳолига қулайлик яратиш ҳамда шаҳар атрофи-муҳити мусоф-фолигини таъминлаш борасида замонавий трамвай линиялари барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Самарқандда трамвай қатнайди

Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш юзасидан ўтган қисқа вақт ичида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Замонавий транспорт воситаси қатновини босқичма-босқич йўлга қўйиш дастурлари ишлаб чиқилди.

— Трамвай қатновининг дастлабки босқичи Самарқанд темирйўл вокзали майдони ва Сартепа массиви оралиғида йўлга қўйилади, — дейди Самарқанд шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Улугбек Тожибоев. — Пулат излар Беруний, Буюк ипак йўли, Амир Темур, Туркистон кўчаларида ётқизилади. Умумий узунлиги 8 километрдан иборат мазкур йўл қурилишининг дастлабки ишлари бошланди. Йўл қурилишининг иккинчи босқичида трамвай йўналишини Темирйўл вокзалидан Сиеб дехқон бозоригача, учинчи босқичида Буюк ипак йўли қўчасидан Кимёгарлар шаҳарчасига қадар узайтириш кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳрида дастлабки трамвай қатновини 2017 йил Наврўз байрамига қадар йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Божхона хабарлари

Енгил-елпиликми ёки...

Мамлакатимиз қонунарига мувофиқ ҳудудимизга Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик қўмитаси, ҳудудий яхлитликни, давлат суверенитети ва сиёсий мустақиллигини бузишга қаратилган босма нашриёт маҳсулотлари, қўлёзмалар, клише, расмлар, фотосуратлар, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотлари, овоз ёзилган материаллар, шунингдек, уруш, терроризм, зўравонлик, миллий ажратиш ва диний қаршилик, расизм ва унинг турларини (антисемизм, фашизм) тарғиб этувчи ҳамда порнографик мазмундаги материалли олиб кириш тақиқланади.

Шунга қарамай, чегаралар орқали жисмоний шахслар томонидан ноутбук, қўл телефони ва бошқа ахборот ташувчи воситаларда беҳадлиқни тарғиб этувчи материалларни олиб ўтишга бўлган уришлар ҳамон учраб турибди. Чунинчи, Самарқанд халқаро аэропортида божхона назоратидан ўтиш вақтида Санкт-Петербургдан учиб келган фуқаро О.Тиллаевга тегишли қўл телефони кўздан кечирилганда, шундай мазмундаги 72 дона фото ва видео материаллар борлиги аниқланди. Шаҳоний саҳналар акс этган 200 дан ортиқ видеоларга телефонидан ўнг ажратган жижаҳлик К.Таджиев ҳам божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди. Хориждан янгийўллик В.Ольга номига юборилган почта жўнатмаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бошпочтамт» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан божхона кўригидан ўтказилганда, унда беҳадлиқни тарғиб этувчи 3 дона китоб борлиги маълум бўлди.

Қўл телефони воситасида уятсизлиқни ўзига доимий «ҳамроҳ» қилганлардан яна бири ҳазораспик Б.Кенжаев экан. «Москва-Урганч» рейси бўйича парвозини якунлаган ушбу шахснинг қўл телефони амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, унинг хотирасида порнографияга оид 94 дона фото ва видео материаллар борлиги фош этилди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам порнографик, зўравонлик ва шафқатсизлиқни тарғиб қилувчи маҳсулотларнинг республикамизга олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, «Фишкўприк» божхона комплекси орқали қўшни давлатдан кириб келган фуқаро О.Турсунов уяли алоқа воситаси хотирасида 104 дона беҳад мазмундаги видео файлларни олиб киришга уринган пайтда тўхта-тиб қолди.

Мазкур комплексда божхоначилар пойтахтлик Р.Тургуновнинг қинғир қилишларига ҳам чек қўйишди. Унинг божхона назоратидан яширинча телефон хотира картасида 277 дона видео ва фото материалларни олиб киришга урингани аниқланди.

Бухоро аэропортида Москвадан учиб келган А.Жумаевнинг юклари божхона кўригидан ўтказилганда, унга тегишли қўл телефони хотирасига 173 дона беҳад мазмундаги видеолар жойлаштирилгани маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 2200 дан ортиқ божхона қондабузарликлари натижасида 67,8 минг дондан ортиқ турли шаклдаги беҳад мазмундаги материалларнинг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, порнографик, шунингдек, зўравонлик ёки шафқатсизлиқни тарғиб қилувчи маҳсулотни олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жазма солишга сабаб бўлади.

Аслида гап жазима ёки маъмурий жазо қўллашда ҳам эмас. Энг муҳим жиҳат — Узлгимизга пугур етказмасликда. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайд.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати катта инспектори

Муносабат

Юртимизда тадбиркорлик соҳаси истиқболи учун яна бир муҳим қадам ташланди. «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкнинг ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон халқимизга, хусусан, ишбилармонларга кенг имкониятлар эришини очди.

Тадбиркор — элга мададкор

Гарчанд бу соҳада катта тажрибага эга бўлмасам-да ўз бизнес оламимни яратадим. Иштихон тумани Мойбулоқ агротадбиркорлик ва сервис касб-хўна колледжидан ўқиб юрган кезларимдан қадимий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кўп изландим. Бир қатор лойиҳалар устидан ишлаб, маҳаллий шароитимизга мос келадиганини ажратиш олдим. Мақсадим, қишлоғимизда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш эди. Туманимизнинг энг чекка

қишлоғида бундай корхона учун истиқбол бор. Тоғли ҳудуд бўлганлиги боис аҳоли хонадонларидан асосан чорва моллари парвартишланади. Эҳтиёждан ортиқ сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳали етарли даражада таомилга кирганича йўқ. Ушбу йўналишдаги ишларим илк самарасини бера бошлаганидан хурсандман. Сутни қайта ишлашга ихтисослашган чех ошчим. Аини чоғда сут маҳсулотларини қайта ишлашнинг дастлабки босқичи йўлга қўйилди. Ҳозир-

да фаолият турини кенгайтириб, творог, майонез, пиш-лок сингари маҳсулотларни ишлаб чиқариш чора-тадбирларини кўраямиз. Лойиҳа асосида банкдан 25 миллион сўм миқдорда кредит олишни режалаштириб турибман. Ниятим, янги технологиялар олиб қорхонадаги иш уринларини яна 12 нафар коллеж битирувчиларни ҳисобига қўйиштириш.

Таъкидлаш жоизки, биз каби ёшларга ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг барча имконият-

лари яратиб берилган. Виллоятимизда 2015 — 2016 ўқув йили мобайнида касб-хўна колледжларини битирган 2 минг 730 нафар кичи мен каби тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирган. Кўришиб турибдики, қизларимизда бу соҳага интилиш кучли. Бу эса ҳукуматимизнинг биз ёшларни қизгин қўллаб-қувватлаётгани шарофатидандир.

Қабул қилинган фармонга мувофиқ келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Бундай имконият эса ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритишига ҳуқуқий қафолат бўлиб хизмат қилади.

Феруза МУСУРМОНОВА,
Иштихон тумани
агротадбиркорлик ва сервис касб-хўна коллежи битирувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ Вухоро филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 1. 2016 йил 4 ноябр кунин соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга қўшма корхона шаклидаги «Бухоро» очик акциядорлик жамиятининг 2016 йил 10 октябрдаги 268-сонли йўриқномасига асосан жамият ҳисобиданги бошланғич баҳоси 1 680 000 сўм бўлган, 1986 йилда №1 ГАЗ-5204 русумли д/р 80 М 00028 бўлган автотранспорт воситаси кўйилмоқда.
- 2016 йил 4 ноябр кунинда аукцион савдолари бўлиб ўтмаган мулк бўйича тақрирлик аукцион савдолари 2016 йил 11 ва 18 ноябр кунлари бўлиб ўтади.
- Буюртманомалар 2016 йил 4 ноябр куниндаги савдо учун 2016 йил 3 ноябр кунинга, 2016 йил 11 ноябр куниндаги савдо учун 2016 йил 10 ноябр, 2016 йил 18 ноябр куниндаги савдо учун 2016 йил 17 ноябр кунига қадар расмий иш кунлари қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).
- II. 2016 йил 22 ноябр кунин соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи» унитар корхонасининг 2016 йил 14 октябрдаги 31-08/3177-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобиданги қўйилган автотранспорт воситалари кўйилмоқда.
- 1-ЛОТ. 1998 йилда и/ч/Тико русумли д/р 80/ 024 НАА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 520 000 сўм.
- 2-ЛОТ. 1997 йилда и/ч/Тико русумли д/р 80/ 862 FAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 700 000 сўм.
- 3-ЛОТ. 1997 йилда и/ч/Тико русумли д/р 80/ 856 FAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 650 000 сўм.
- 4-ЛОТ. 1997 йилда и/ч/Дамас русумли д/р 80/ 854 FAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 600 000 сўм.
- 2016 йил 22 ноябр кунинда аукцион савдолари бўлиб ўтмаган мулк бўйича тақрирлик аукцион савдолари 2016 йил 29 ноябр ва 2016 йил 6 декабр кунлари бўлиб ўтади.
- Буюртманомалар 2016 йил 22 ноябр куниндаги савдо учун 2016 йил 21 ноябр кунинга, 2016 йил 29 ноябр куниндаги савдо учун 2016 йил 28 ноябр,

2016 йил 6 декабр куниндаги савдо учун 2016 йил 5 декабр кунига қадар расмий иш кунлари қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдосида иштирок этиш

Истагидаги талабдорлар диққатига.

Аукцион савдосидаги талабдорларга 10 кунлик муддат ичида олд-сотди шартномасини тузиш мажбурияти қўйилмади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олд-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгилаган шартларни буюртманомалар «Аукцион талабдорлари» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қават) манзили бўйича аукцион хабарномасига асосан қилинган қўшма бошқа «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгилаган санаси кунинда бир кун олдидан бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабдорлар «Аукцион талабдорлари» билан тузилган закалат пули тўловини қилиш шартномасига асосан илгил бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулининг тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдосида тақдим этилиши сўралади.

Закалат пулини учун рақизитлар: «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вухоро филиали» СТИР. 302523082. МҚО. 00115 ОАТБ Қишлоқ хўралиш банк Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 2020800005028108002.

Ҳужжатларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вухоро филиали».

Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

2016 йил 21 ноябр кунин соат 11:00 да Термиз шаҳри Ф. Ҳўжаев кўчаси Тадбиркорлар Маркази биносидан очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси кўйилмоқда:

- 1. Жарқўрган туманидаги «Эски қўрган» фермер хўжалиги туғатиш бошқаруви ҳисобига тегишли бўлган 1989 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1015 давлат рақамли «Т-28х4» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги ҳайдов тракторининг бошланғич баҳоси — 1 120 000 сўм.
- 2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1017 давлат рақамли «Т-40АМ» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги ҳайдов тракторининг бошланғич баҳоси — 1 620 000 сўм.
- 3. 1990 йилда ишлаб чиқарилган ЕШ 1014 давлат рақамли «Т-28х4-МС-1» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги ҳайдов тракторининг бошланғич баҳоси — 1 520 000 сўм.
- 4. Туғатиш бошқаруви томонидан тақдим этилган ЯТТ Ҳайдаркулов Амирмамат Абдураҳмоновга тегишли 2006 йилда ишлаб чиқарилган 75 Е 551 ГА давлат рақамли «Лада»БАСНГВАЗ 21070» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги автотранспортининг бошланғич баҳоси — 1 620 000 сўм.
- Юқридаги мулк 2016 йил 21 ноябрдаги аукцион савдосида сотилишган тақдирда, тақрирлик аукцион савдоси 2016 йил 6 декабр ва 21, 26, 28-декабр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, қишлоқ шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашиш урилган тартибда белгилаган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ҳаридорлар закалат пули тўловини қилиш шартномасига асосан илгил бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулининг тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдосида тақдим этилиши сўралади.

Закалат пулини учун рақизитлар: «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вухоро филиали» СТИР. 302523082. МҚО. 00115 ОАТБ Қишлоқ хўралиш банк Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 2020800005028108002.

Ҳужжатларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» — «KOC'NAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Вухоро филиали».

Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги УРҚ-378-сонли «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонуни ижроси юзасидан соҳада фаолият юритаётган субъектлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини тушунмаган ҳолда йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келган муаммоларни масалаларни илгил ҳал этиш мақсадида «Ўздавдонинспекция» томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ваколат доирасида амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси («Ўздавдонинспекция») ўз фаолиятида дон етиштирувчи фермер хўжалиқлари, дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида шугулланадиган субъектлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ушбу ҳамкорликни янада кучайтириш, шу билан биргаллик соҳага оид саволларга жавоб бериш ва таклифларни қабул қилиш ҳамда «Ўздавдонинспекция» фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида «Ўздавдонинспекция»нинг марказий аппаратида «Ишонч телефони» рақами (0-371) 150-13-64 ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг расмий веб-сайти www.uzddi.uz ташкил қилинган.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Тойлоқ туман кенгаши раиси Қобил Собировга отаси **ДОЛИ БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Тилга эътибор — элга эътибор

Хар қандай тил маданият ва адабиёт, мантиқ ва психология билан узвий боғлиқ. Одамни гапидан қайси жамиятга мансублиги ва қандай шахс эканини билиб олиш қийин эмас. Унинг табиати, яшаш тарзи, турмуш тутуми ва ижтимоий мақомига баҳо бериш мумкин. Шу боис сўз сирли кўнгилнинг олтин қалити саналади. Шунга монанд дунёнинг кўпгина филологик таълим марказларида психоллингвистика, социоллингвистика, культуроллингвистика, психобиография каби ўзаро уйғун фанлар ўқитилади...

БЕБАХО БОЙЛИК

Абдурауф Фитрат томонидан «дунёнинг энг бой, энг бахтсиз» деб сифатланган ўзбек тили XX асрнинг сўнгги ўн йилига қадар шу қисматдан қутула олмади. Фақат Давлат тили мақоми берилгач ва истиқлол давридаги улкан эътибор туфайли тилимиз ўз мақоми билан қўлга киритди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши — бу оддий ҳодиса эмас. 1989 йил 21 октябр куни, яъни Истиқлол арафасида тилимизнинг қадри юксалганини Ватанинг озодлик баҳоридан, мустақилликдан дарак берган бир воқеалик эди, дегим келади. Утган йилларда, табиийки, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Таълимдаги иқтисодотлар, маъмурий, расмий, идоравий иш ҳоқорларининг давлат тилида тақдим этилиши, шунга оид меъёрларнинг ишлаб чиқилгани, ўзбек тилининг илм тилига айлана боргани кўзатилади. Илм тили деганда нима назарда тутилади? Бу республикадаги барча таълим йўналишларида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар, диссертациялар давлат тилида ёзила бошлади демакдир.

Тилга эътиборли инсон шу эътибор билан ҳаётини яшайди, келажакга, маънавиятга қандай бўлишига қарайди. Республиканинг Биринчи Президенти ташаббуси билан 2016 йил 13 майда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани оша тилимизнинг истиқболи, миллий адабиётимизнинг дунёга чиқиши йўлида ташланган табаррук қадам бўлди. Тарихий фармонда: «Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаятган бебаҳо бойлиқнинг ворислари сифатида оша тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини ошириш, ўзини ўзини энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур», деган фикрлар ҳар бир фуқаро, ҳар бир ўзбек зиёлиси зиммасига жиддий вазифалар юқлайди.

НОТИҚ КИМ?..

Зиёли инсон ёзма ва оғзаки нутқи билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Ёзма нутқ ҳусниҳатдангина иборат эмас. Ёзма нутқнинг асосий белгиларидан бири — саводхонлик. Бу тушунча орфография қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳар бир сўзни тўғри ёзишдан тортиб, фикр ифодаси учун зарур сўзларни танлаш, гапни ўзбек адабий тилининг грамматик қоидаларига мос равишда тузиш, шунингдек, стилистик жиҳатдан ёзма нутқ услубини матн табиғатида мослаш каби бир қанча илмий-назарий масалаларни қамраб олади. Бисотида барчага бирдек тушунарли сўзлар тургани ҳолда бошқаларга қийинчилик туғдирадиган ажнабий ёки шева сўзлари...

Зотан, буюқлар ҳамма фикрларини ҳар қандай вазиятда аниқ ва лўнда, қисқа ва теран тушунтиришади. Одам қандай воқеа-ҳодисани баён қилишидан қатъи назар тафаккур уммонидида лаъл-лу маржонлардан — жавҳар сўзлардан энг яхши, энг таъсирли ва энг тушунарлисини танлаши лозим. Аниқ тасаввур қилинган тушунчалар аниқ баён этилади ва аксинча.

Тилинг лугат бойлиги, ёғжоз мақоми, балоғат ва фасоҳати даражасини солиштирилади. Мисол учун бир қиёс. Ўзбек тилида кўпмаъноли «тўй» сўзи бор. Ҳам от, ҳам феъл туркуми таркибда келади. Олмон тилида «тўй» «ҳақайт» сўзи билан берилди. Бу содда сўз эмас. Иккита сўздан қўшиб ясалган; таржимаси — «юксак вақт». Олмонларда биздаги каби кўпмаъноли ва яхлит «тўй» йўқ...

Қадим туркий тилдаги сўзларни тирилтириш, айрим шевалардаги жуда муҳим ва оммалашган сўзларни ўзбек адабий тилига олиб кириш, шеваларнинг турли лугатларини тузиш каби қатор илмий-амалий ишлар бугунги долзарб вазифалар сирасига қиради. Яқинда бир шева тилидан «кўзиқорин»нинг «кўмалак» (кўмилган нарса маъносини англатади), ёш болалар юришига мўлжаллаб ясалган мосламанинг «адоқарава» (ёқ аравача, русча «ходинка») эканини билиб хурсанд бўлдим. Ҳамма баъзан «учак» (уйнинг тепаси, усти, учли қисми), «отоки» (ҳашар-кўмақда лой отадиган киши), «бирлама» (ғўзани яғана қилиш), «чаккар» (қудуқдан сув тортиб оладиган чела-мослама), «қалқи» (қармоқнинг сув юзидида поғуғи; энгил буюм сув юзиде қалқи тургани учун ҳам «қалқи» деб аталади), «кучала тош» (батарея) каби ўнлаб сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланиши мумкин бўлса керак, деб ўйлаб юраман.

МАСЪУЛИЯТ ТҲҲҲҲҲ

Она тилини бойитиш, унинг гўзаллигини намойиш этиш, ифода имкониятларини кўрсатиш — жуда муҳим масала. Табиийки, ўзбек тилининг тарихий-этнографик бошқа мамлакатда, бошқа тилли олимлар томонидан фундаментал равишда муҳокама қилинмайдиган. Қолаверса, ўзбек тили дунёдаги бирор тилдан кам эмаслигини аниқлаш — бу бизнинг вазифа. Нега мен «англаш» дедим. Чунки бу тилининг поэтик ифода имкониятларини Алишер Навоий ўз шеърини девовлари, «Хамса»си билан исботлаб қўйди. Буни биз англашимиз шарт. Иккинчидан, тилга оид махсус «Муҳокама ул-лугатин» асарини ёзди. Биз бунинг ҳам англашимиз лозим.

Ўзбек тили ривожини йўлида қўлга киритилган ютуқлар кўп, айни чоғда муаммолар ҳам бор. Юқоридида фармон шу муаммоларни республика миқёсида адабиётшунос ва тилшунос олимлар иштирокида ҳал этишга қаратилгани билан муҳимдир.

Фармонда белгиланган «...талаба ёшлари, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш» вазифаси ўзини, ўз орасини, ўз тили ва ўз ватанини севган ҳар бир фуқарони сергақландиради; масъулият тўғрисида йўғотади.

Тил миллият тарихи учун бамисоли хотира қомуси, миллиятнинг бутунини учун бамисоли ораста кўзғу, тилда миллият шари, руҳияти акс этади. Тил — миллий руҳнинг жони ва қони, султони ва ҳоконидир.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Миллат шаъни



ни ноўрин қўллаш оқибатида ифода услубида гализлик пайдо бўлади. Натижада, ўқувчи матни тушуниш ва тушунтиришга қийналади. Ҳолбуки, тиниқ тасаввур ҳаёлот ва тафаккурга куч-қувват бағишлайди. Фикр ифодаси чуқур мантиққа асослангани лозим. Ҳар ким гапирши ҳуқуқига эга, бироқ унда маъно, фикр, мазмун бўлмаса, бундай нутқ учун «вайсамоқ» феъли синоним бўлади. Соғломлик фақат тана сифати эмас, маънавият ва маданиятга ҳам, айни дамда тил ва нутққа ҳам тааллуқли. Бу тўғрида ўзбек тили ва адабиётига осмонлар тоғдек виқор ва ҳайбат бахш этган Алишер Навоий айтдики: «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз... Кимнинг мизани сиз иллат бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди. Миёси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади... Сўзида паршонлик — ўзида пўшаймонлик». Бу ҳикмат то қиёматгача эскирмайди. Буюқ саркарда ва дилбар шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ёзувга, тилга эътибор бергани, ўз сўзига ва фарзандлари ёзган мактубларга қиққат қаратгани ибратга лойиқ. «Бобурнома»да ёзилишича, Хумоюн мактубини ўқиган Бобур ўғлига: «Имлонг ёмон эмас», дейди. Аммо хатда тушунарсиз сўзлар қўллагани учун «...вале асру муғлатур», деб танбех беради. Насихат маъносидан: «Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озорқ бўлур ва ҳам ўқуғуғига», деб тайинлайди. Зеро, фақат ўзи тушуниб бошқалар тушунмаган сўзлар қўллашни аллома адиб Абдулла Қодирий «қатта айб» санаган эди. Мустабид тузум йилларида ҳақсўз шоирлар тўғрилик қисматидан ор қилишди; «булбул қуйин шеърга» солишди (А.Орипов). Миллий тилга «мунис», «меҳрибон» сифатларини бериб, онадек эъзозлаб, «она тилим, руҳимнинг қони» (Р.Парфи) деб ёзишди.

Бир тасаввурга эрк беринг. Ҳўш, сиз ҳавас қиладиган нотиқ ким? Унинг нутқи қандай? Барчага намуна бўладиган нотиқ қандай сўзларни қўлайди? Ўзбек адабий тилида юксак нотиқлик маҳорати билан сўзлайдиган зиёлилар, шукрим, бизда етарлича топилади. Равон нутқ шаклланиши учун одам машқ қилиши, нутқини режага солиши, зарур ўринларда нафас ростлаб тин олиши ва баъзида овозини баландалтириши ёки пасайтириши, ритмининг тезлаштириши ёки секинлаштириши лозим. Буларга амал қилиш миллий тил билимдонга — нотиқнинг маҳорати доирасига қиради. Ҳеч шубҳасиз, тарихдаги кўплаб буюқ саркардалар нотиқ бўлишган, баъзан қилчи билан забт эта олмаган ҳудудларини сўз сеҳри билан эгаллашган. Айни дамда жуда кўп машҳур шахсларнинг нотиқлиги ортидан инсоният тўғри йўлга кириб, жамият ҳаётида бунёдкорлик ишлари бажарилган; ижтимоий муаммолар ҳал қилинган ва турмуш кўпинча раван йўлга тушган. Ишонч билан гапирши, юракдан гапириб одамларнинг юрагини забт қилиш ва улarga илҳом бахш этиш — бундай нодир қобилият, афсуски, ҳаммага насиб қилавермайди.

Назаримда, зиёлилик ва маданиятликнинг энг муҳим маданий белгиларидан бири — бу инсоннинг ўз она тили ва бошқа миллиятлар тилига ҳурмат-эҳтиромида кўринади. Ўз нутқига турли хориж сўзларини атайин олифталарча аралаштириб, қўрама тилда сўзлаганлар ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилмаган ҳисобланади. Зарур бўлса, чет тилларда тоза нутқ билан сўзлаш лозим.

СЎЗНИ ТИРИЛТИРИШ

Хориж тилларини яхши билган одам ўз она тилининг қадрини билади, ифода имкониятларини чамалаб кўради.

СПОРТ

Ғалаба тақдим этилмайди

унга астойдил баҳслашиб эришилади

Баҳраинда ташкил этилган Осиё чемпионатида ғалаба олимларини давом эттираётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг чорак финалдаги рақиб маълум бўлди.

Жасур Абдураимов бошчилигидаги ёшларимиз 2-турда Австралияни мағлуб (3:2) этиб, гуруҳда мuddатидан аввал биринчи ўринни нақд қилганиди. Вакилларимиз чорак финалда «С» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган жамоа билан тўқнаш келади.

«С» гуруҳида эса 3-тур баҳслари якулланади. Япония 7 очко билан биринчи, Эрон эса 5 очко тўлаб иккинчи бўлди. Шу боис Эрон термаси чорак финалда терма жамоамизга рақиблик қилади.

Бўлажак баҳс ута аҳамиятли. Ушбу ўйин ғолиб кейинги йили Жанубий Кореяда уюштириладиган Жаҳон чемпионатида (U-20) йўлнамани кўлга киритади.

Мазкур учрашув 24 октябр куни, Тошкент вақти билан соат 21:15 да бошланади.

Ўз мухбиримиз



Навоийлик жаҳон чемпиони

Навоий шаҳридаги 7-мактабнинг саккизинчи синфида ўқийётган Асадбек Тошпўлатовнинг қувончи чексиз. Негаки, у яқинда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Молдовада бўлиб ўтган кўл жанги беллашувларида барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафга муяссар бўлди.


— Бу муваффақиятда мураббийим, кўл жанги федерацияси вилоят филиали ижрочи директори

Карим Холиқовнинг ҳиссаси катта, — дейди у. — Ота-онам, устозларим, дўстларим, барча яқинларим ғалабамдан бениҳоя шодланди. Бундан кейинги мусобақаларда ҳам юрт шон-шавкати учун бор куч-ғайратимни аямайман.

— Ўғлимнинг ғолиб бўлганини телефонда ўзидан эшитиб, қувончим ичимга сиғмай кетди. У ўзига билдирилган ишончини оқлаб, юзимизни ёруғ қилди, — дейди онаси Ҳабиба Абдуллаева.

Жаҳон чемпионатида майдонга чиққан йигирма бир нафар вакилларимиздан 16 нафари совриндор бўлди. Бу умумжамоа ҳисобида Россиядан сўнг 2-ўринни эгаллаш имконини берди. Қувончилик, баҳсларда қатнашган навоийлик спортчиларнинг барчаси медал билан қайтди. Жумладан, Аббос Қодиров 2-, Темур Тойиров ва Фаррух Рашидов 3-ўринни эгаллади.

Дилафрўз ҲРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири



Гап келиб қолди...

Отага фарзандларининг боқувчисига бўлиш камлик қилади. У айни пайтда ҳам тарбиячи, ҳам ҳомий, ҳам раҳбар бўла билиши керак. Шундагина тўқис бахтга эришади.

Асаб бузилишининг битта яхши томони бор. Иштига бўлиб, ош-овқат учун сарфланган маблағ ёна қолади. Лекин бу йўл билан хали ҳеч ким бойиб кетган эмас. Барака топиши ҳам дарғумон.

Ранг кўр, ҳол сўр, дасанларидек ҳар бир одам ўзининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб фикрлайди, муносабат билдиради. Шунинг учун айтилган ҳар бир сўзни айни ҳақиқат деб қабул қилмаслик, бошқаларни эшитишга ҳам оdatлини лозим.

Жилдий гап оғир ботадиган, енги-елпи гапдан энсаси қотадиган киши бора-бора одамови бўлиб қолади.

Киши чарчаб қолишдан ўзини қанчалар кўп эҳтиётласа, шунчалар тез толиқушидан хабарингиз борми?

Таралла-бедод билан ўтган кун на руҳий, на маънавий озуғ беради. Молдий зарар келтирмади ҳолис. Агар бу одатий ҳола айланса, инсоний қиёфани йўқотиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Яшмоқ курашмоқликни тарқоо этади. Лекин бу кураш ғирромликлардан ва ҳар хил кўзбўямачиликлардан холи бўлиши керак. Тўғри ва ҳақ йўлни танлаганларига бахт-саодат насиб қилади. Акс ҳола, олинган совринлар ўйининг бир чеккасини эгаллаб туришдан бошқа нарсани ярамайди.

Ҳар қанча зехни ўтқир ва садоқатли бўлмасин, шогирд устозни тўла-тўқис тақоррай олмади. Тақоррайи ҳам шарт эмас. Ушбу ва ўзгаришга эришиши учун ҳар кимнинг ўз йўли, ўз услуби ва бошқалариникига ўхшамасин майл-истаги бўлгани маъқул.

Иштида унуми бўлмаган одамнинг хотиржам ҳўлаши амримазола. Тиниқиб ҳўламаган кишининг иштида эса барака бўлмайди. Иродаси қучиларига вазиятдан чиқиб кета олади.

Ҳар ким ўз насибаси билан туғилади. Лекин унга дунёдаги жамият нарсаларини ўзиникига айлантирмоқчи бўлган кимсалардан ҳимояланганини уладлай билан одамларига эга чиқиши мумкин.

Пардоз-андозга ҳўши йўғ одамнинг ҳам кўзгуга вақти-вақти билан қараб тургани маъқул. Жилла курси, ўзига ортиқча баҳо бериб юбормаслик учун...

Ажабо, бир одам етулик топиши илнжида кўзи олма-кесак теради, бошқа бир одам эса парҳеда экани билан ҳи-апрофалларда ҳавас йўғотмоқчи бўлади.

Аллагани бола яхши...ми? Йўғ ва яна йўғ. Агар шундай қилсак, ўз томиримизга ўғимиз болта урган бўлмай. Мунфиқлик жабрини кўрган киши ростга ҳам ишонмай қўлади.

Қарини оғват асрайди... Болалиқимиздан шу гапни эшитиб келамиз. Ҳаёт тажрибаси янада чуқурроқ миyoзода қилишга ундамоқда. Турли байрам ва саналар муносабати билан жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан эҳтиётчанларга, ҳўсуан, қариларга ҳам меҳр кўрсатилади. Таабир асоси уларнинг юз-кўзига ҳеч эътибор қилганимиз? Янаиб кетади тўғ. Зеро, қариларни нафақат оғват, эътибор ҳам асрайди...

Бахли одамнинг юзи захил бўлади. Гарчи сяр-ичардан камлиги бўлмаса ҳам. Ахир бошқалар ҳам у каби еб-ичиб қорибди-да...

Кўнгилла вашилик соладиган эришиллардан тўйил. Иссиқ ўриндан туришга эриниб, дарса ўн лақика кечиксанг, ўғитувчининг қойиши аниқ. Ишдан ярим соатгина бароват кетиб, зайфсан олишдан не наф. Шу сенга керакми? Ёмонлиқ бўлиб қолиш жуда осон. Кичкинагина доғ ҳам бир қарич ямоқда ўхшайди...

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Ўрناق

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги муассислигида нашр этилаётган «Сурхон тонги» газетасининг бошланғич касабга уюшма етакчиси Усмонали Норматов 56 ёшида велосипед харид қилди.

Велосипед — саломатлик машинаси

Ишонангиз билан уйингиз оралиғи бир қадам. Кекса ёшлаганингизда велосипед миниб сизга нима керак, деган гапларга жавобан у: велосипед — ҳаракат машинаси, унинг кўмагида соғлиқимни яхшиламоқчиман, деди.

Ундан ибрат олиб, жамоадошлари ва хатто Термиз шаҳридаги умумтаълим ўрта мактаби, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари, турли ташкилот ва муассаса ишчи-ҳодимлари ҳам тақси пойлаш, ҳадеб енгили машиналарга ўтиришдан воз кечиб, ишга, ўзларининг турли юмушларини бажариши учун велосипед минадиган бўлдилар.

ги турли идораларда меҳнат қилаётганлардан 500 нафардан ортинги спортнинг шу тури билан шуғулланмоқда. Бунга ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафони мусобақаси ҳам сабабдир, — дейди Усмонали Норматов. — Биз бу ҳаракатни мувофиқлаштирган ҳолда байрамларда жамоамизда велосипедчилар мусобақасини ташкил этиб, ғолибларни касабга уюшмалари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб келаямиз. Зеро, спорт оммавийлигига эътибор қаратилган жойда хасталик бўлмайди. Ҳаммадан кўра у ўрта ва кекса ёшдаги одамларга кўпроқ фойдали.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Тошкент шаҳар Юнусов туманида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2012 йилда Расулво Ашуров Нобуртаевич номига берилган 816624880 (руйхат рақами: 13534) рақамли диплом йўқолганини сабабли бекор қилинди.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан ро'yxатга олинган.

Bosh muharrir o'rinbosari:

Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmonov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'monbekova, Oksana Ellova, Timur Manajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LINLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'biriyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullolov

Boshiga topshirish vaqti — 23:00
Topshirildi — 00:00

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaga manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma T — 1015.
13619 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Taqdirnat xosob raqamini:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Innoteka bank» Yashobod filiali,
bank kodini: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100